

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил январь ойининг 06 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, суд раиси Г.Негматовнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг катта ёрдамчиси У.Рахимов, судланувчи Н.Маматова ва унинг ҳимоячиси Ургут туманидаги “Маъдиев Ғанихон” адвокатлик фирмаси адвокати С.Нуруллаев, жабрланувчи Ҳ.Бозорбоев, З.Низомов, А.Урунов, З.Эргашев ва А.Суяровларнинг иштирокида, Маматова Нодира Облобердиевнага нисбатан 1-1416-2201/470-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи: Маматова Нодира Облобердиевна (Mamatova Nodira Obloberdievna) - 1982 йил 18 ноябрь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилалик, 3 нафар фарзанди бор, уй бекаси, муқаддам судланмаган, Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, “Галаботир” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида “тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 20 декабрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, очиқ суд мажлисида судланувчи, жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўргазмаларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тарафларнинг музокара сўзлари, судланувчининг охириги сўзини эшитиб, қўйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Маматова Нодира Облобердиевна – 2022 йил 10 октябрь куни соат 10:00лар атрофида, Фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туман судининг 22.10.2019 йилдаги Ургут тумани “Мўғол” маҳалласида жойлашган фуқаро Маматов Рамил Облобердиевич томонидан ноқонуний қурилган пойдеворни бузиш тўғрисидаги ижро варақасини ижросини таъминлаш юзасидан хизмат вазифасини бажариш мақсадида келган мажбурий ижро бюроси Ургут тумани бўлими, Ургут тумани ИИБ ҳамда Миллий гвардия Ургут тумани бўлими ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришларига фаол қаршилик кўрсатиб, уларни ноҳўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, Ургут тумани ИИБ Пробация бўлими бошлиғи



подполковник Суяров Асрор Юнусовичнинг ўнг қўл билан соҳасини тишлаб, уларга ижронинг амалга оширилишига фаол қаршилик кўрсатган.

РСТЭИАМ Самарқанд филиалининг 2022 йил 13 октябрь кунига 3028-сонли хулосасига кўра, фуқаро А.Суяровнинг танасида, яъни ўнг билан соҳасида шилинмалар каби жароҳатлари мавжуд бўлиб, улар ўтмас қаттиқ жисмлар таъсирида етказилганлиги, ушбу жароҳатлар “енгил тан-жароҳатлари” гуруҳига киришлиги, жароҳатнинг етказилган вақти қарорда қайд этилган ҳамда текширилувчи шахснинг кўрсатма берган муддатига, яъни 2022 йил 10 октябрь кунига тўғри келишлиги мумкинлиги аниқланган.

Суд мажлисида сўроқ қилинган судланувчи Маматова Нодира Облобердиевна ўз кўргазмасида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, 2022 йил октябрь ойида Ургут туман Мажбурий ижро бюроси томонидан Ургут туман ИИБга талабнома юборилганлиги, унда Ургут туман “Мўғол” маҳалласида жойлашган, қарздор акаси Маматов Рамил Облобердиевич томонидан 80x50 кв.метр майдонда қурилган пойдеворни бузиш кўрсатилганлиги, ушбу ер майдони акаси Маматов Рамилга тегишли бўлиб, ушбу ер майдонида акаси оиласи билан истиқомат қилиб келаётганлиги, ушбу ер майдони тахминан 30-35 йиллар муқаддам ахлатхона бўлиб, шифохоналарни барча чиқиндилари ушбу ер майдонига ташланганлиги, отаси шу жойни текислатиб, фойдали ер майдонига мослаштириб фойдаланиб келганлиги, жорий йилда фуқаро И.Облобердиев ушбу ташландиқ ер майдонини ким ошди савдосида сотиб олганлиги, шунинг учун 2022 йил 06 октябрь кунини туман мажбурий ижро ходимлари билан бошқа ташкилот ходимлари биргаликда ер майдонида қурилган пойдеворни бузиш учун келишганлиги, шу кунини у ва бошқа оила аъзолари акаси Р.Маматовнинг яшаш уйига борганлиги, борганидан сўнг ижро ходимлари билан сухбатлашиб, даъвогар билан келишиб олишни, унга ким ошди савдосида ютиб олган ер майдонини сарф-харажатларини тўлаб беришни айтиб келишиб олишганлиги, шу тариқа ижро ишини амалга оширишга келган ходимлар қайтиб кетишганлиги, орадан бир неча кун ўтиб яна туман мажбурий ижро ходимлари билан биргаликда туман ИИБ ходимлари ва бошқа ташкилот ходимлари келишганлиги, ижро иши амалга оширилаётган вақтида у бирор бир ходимни ҳақорат қилмаганлиги, фақатгина, улар олиб келган экскаваторни пойдеворни бузишини тўхтатиб қолишга ҳаракат қилганлиги, фақатгина ким ошди савдосида ютиб олган кишини ифлос нимага бузишга экскаватор олиб келади деб айтганлиги, у ижрога қаришилик қилиб, қилган сарф-харажатларни, яъни ўз маблағлари билан қурган пойдеворни бузмаслигини айтганлиги, уларга қаршилик кўрсатиб йиғлаган вақтида уни турмуш ўртоғи Сафаров Азамат ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб кетганлиги, ҳақиқатдан ҳам у ўша кунини пойдеворни бузишга келган техникани олдига чиқиб, уни босиб ўтишини, шундан сўнг ижронинг амалга оширилишини айтиб, ижронинг амалга оширилишига қаршилик кўрсатганлиги, бундан ташқари ўзини устига ёқилғи тўкиб



ўзига ўт қўймоқчи бўлганлиги, буни сабаби улар оила аъзолари билан меҳнат қилиб қурган бинони бузганидан кўра уни ўзи ўлгани яхши деган мақсадда шу ишни қилганлиги, унинг олдига келган ходимнинг устига ҳам қоч деб айтиб, дизел ёқилғиси солинган идишни силтаган вақтида ходимга текканлиги, ўзини устига ёқилғи қўйган вақтида уни қўлидаги ёқилғи идишини ва гугуртни туман ИИБ ходимлари олиб қўйишганлиги, туман ИИБ ходимлари ҳам жуда кўпчилик бўлганлиги, у ва бошқа оила аъзолари қурилган пойдевор ва бинони бузиб ташланишига қаршилик қилишганлиги, у ўша вақтда эксковатрни олдига тўхтатиш учун ходимларни қаршилигидан чиқиб, эксковатр томонга югираётганида бир ходим уни қайтариб қолганлиги, шунда уни яна бир ходим келиб, икки ёнидан олганлиги, шунда у кийимлари йиртилмаслиги учун ИИБ ходими А.Суяровни қўлини тишлаб олганлиги, қолган бирон бир ходимга тан жароҳат етказмаганлиги, фақатгина “нимага эксковатр олиб келтирди, ифлослар” деб ҳақорат қилганлиги, барча ходимлардан кечирим сўрашлигини баён қилиб, муқаддам судланмаганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, аёл киши эканлигини инобатга олган ҳолда қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Н.Маматова суд мажлисида унга қўйилган айбга тўлиқ иқрорлик билдириб кўргазма берган бўлса-да, унинг айби судда сўралган жабрланувчилар ва гувоҳнинг кўргазмалари ҳамда иш ҳужжатларида мавжуд бўлган инкор этиб бўлмайдиган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан тўлиқ исботланган.

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Бозорбоев Ҳасан Қахрамон ўғлининг, Мажбурий ижро бюроси Ургут туман бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлашлиги, 2022 йил октябрь ойида Ургут туман Мажбурий ижро бюросига фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг ижро варақасига асосан ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича 2019 йил 22 октябрь ойида “Мўғол” маҳалласида яшовчи қарздор Маматов Рамил Облобердиевич томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олган, ундирувчи Облобердиев Иброҳимга тегишли бўлган, ноқонуний равишда қурилган 80x50 кв.метр пойдеворни жавобгар ҳисобидан буздириш тўғрисидаги ижро ҳужжати келиб тушганлиги, ушбу ҳолат юзасидан ижро иши қўзғатилиб, томонларга ижро ҳужжатини талабини ихтиёрий бажариш учун 15 кунлик муддат берилганлиги, ушбу берилган муддатга қарамасдан қарздор Р.Маматов томонидан ноқонуний қурилган пойдевор бузилмасдан келганлиги сабабли, бир неча маротаба мазкур ноқонуний қурилган пойдеворни буздириш учун борилганида, қарздор Р.Маматов 2019 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида чиқиб кетганлиги сабабли, унинг яқин қариндошлари томонидан қаршилик кўрсатилиб келинганлиги, ундирувчи И.Облобердиев томонидан юқори турувчи органларга бир неча маротаба мурожаат қилганлиги сабабли, мазкур ижро ҳужжатлари бўйича мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилиб, 2022 йил 06 октябрь куни қарздор Раматов Рамил томонидан ноқонуний равишда “Мўғол”



маҳалласида қурилган 80x50 кв.м узунликда бўлган пойдеворни бузиш мақсадида ижро ҳаракатларини амалга оширишда жамоат тартибини таъминлашда ёрдамлашиш учун Ургут тумани МИБ бўлими томонидан Ургут тумани ИИБга талабнома жўнатилганлиги, шунга асосан 2022 йил 06 октябрь куни Ургут туман ИИБ, Миллий гвардия ва ҳокимият идоралари ходимлари билан борилганида, Р.Маматовнинг яқин қариндоши Маматова Нодира ўзининг устига солярка ёқилғисини сепиб, улар ва ҲМҚО ходимларига қарата ҳақорат сўзларни айтиб, ҳақорат қилиб, ижро ҳаракатларини олиб боришга қаршилик қилганлиги сабабли, ижро ҳаракатлари олиб борилмасдан, далолатнома тузилганлиги, сўнгра яна Ургут туман ИИБга Ургут тумани “Муғол” маҳалласига қарздор Р.Маматов томонидан ноқонуний қурилган подеворни бузиш ижро ҳаракатини олиб бориш учун 2022 йил 10 октябрь куни талабнома юборилганлиги, шунга асосан 2022 йил 10 октябрь куни соат 09:00ларда Ургут туман МИБ ходимларидан у, З.Низомов, МИБ Самарқанд вилоят бошқармасидан қидирув шуъбаси инспекторлари И.Маллаев, О.Аблакулов ва Т.Жалилов, туман ИИБ ходимлари, туман ҳокимияти юристи, Миллий гвардия куриклаш бўлими ходимларидан 4 нафар ходимлари, Муғол МФЙ раиси, туман ҳокими ёрдамчиси Р.Суюнов, туман тиббиёт бирлашмаси ходимлари билан бирга Ургут тумани “Муғол” маҳалласида қарздор Р.Маматов томонидан ноқонуний қурилган 80x50 кв.м пойдеворни буздириш мақсадида мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш учун борилганида, қарздор Р.Маматовнинг яқин қариндошлари тўпланишиб, яна мажбурий ижро ҳаракатларини олиб боришга фаол қаршилик кўрсата бошлаганлиги, Р.Маматовани опаси Маматова Нодира уларни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ушбу жойда жамоат тартибини сақлаб туман Миллий гвардия ходимлари ва ИИБ ходимларини устига солярка ёқилғисини сепиб, ўзини ёқишга ҳаракат қилиб, қўлидаги гугуртни ёқаётган вақтида ИИБ ходимлари томонидан тўхтатиб қолинганлиги, ижро ҳаракатлари олиб боришдан олдин маҳалла профилактика инспектори уларни барчасини агарда ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилган тақдирида қонун талабларига асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирганлиги, шу тариқа ижро ҳаракатлари бошланиб, Мажбурий ижро ходимлари ноқонуний қурилган объектни деворини техника ёрдамида бузишни бошлаган вақтида, қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари, огоҳлантирилишига қармасдан қўлларига тош олиб, ижронини амалга ошираётган барча ходимларга қарата ва деворни бузаётган экскаваторга қарата тош ота бошлаганлиги, лекин улар ижрога жалб қилинган ходимларга тегмаганлиги, улар ходимларга қараб, ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб ходимларга қарата тош отишганлиги, уларни барчаси бутун ИИБ ходимларига фаол қаршилик қилиб, ўзларини экскаватор остига ташлаб, ерга ётиб олиб, ходимларга фаол куч ишлатиб қаршилик қилишганлиги, ўша вақтда ўз хизмат бурчини бажариб, жамоат тартибини ашга ҳаракат қилаётган туман ИИБ пробация ходими А.Суяровни



Н.Маматова ушлаб олиб, уни хизмат кийимидан тортганлиги ва ИИБ ходими А.Суяровни қўлидан тишлаб олганлигини, кейин бошқа ходимлар уларни олдига бориб, А.Суяровни ажратиб олмоқчи бўлганида уларга ҳам қаршилик қилиб, ижрони аламга ошириш учун борган барча ходимларни ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, шундан кейин барча ҲМҚО ходимлари томонидан ижрога қаршилик кўрсатган фуқроларнинг қаршилиги бостирилиб, уларни ИИБ биносига олиб келинганлиги ва ижро ҳаракатлари давом эттирилганлиги, шу тариқа ижро ҳаракатлари охирига етказилиб, қарздорга тегишли ноқонуний қурилган объект бузиб ташланганлиги, ижро тўлиқ бажарилгунга қадар қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари ходимларни ҳақорат қилиб, уларга фаол қаршилик кўрсатиб, ходимлар устига ёқилғи, тупроқ сепиб тўсқинлик қилишганлигини баён қилиб, судланувчи Н.Маматова аёл киши бўлганлиги сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Низомов Зафар Усмоновичнинг, жабрланувчи Ҳ.Бозорбоевнинг кўрсатувини тўлиқ тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам Мажбурий ижро бюроси Ургут туман бўлимида давлат ижрочиси бўлиб ишлашлиги, 2022 йил октябрь ойида Ургут туман Мажбурий ижро бюросига фуқаролик ишлари бўйича Тойлоқ туманлараро судининг ижро варақасига асосан ижро ҳаракатларини амалга ошириш бўйича 2019 йил 22 октябрь ойида “Мўғол” маҳалласида яшовчи қарздор Маматов Рамил Облобердиевич томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олган ундирувчи Облобердиев Иброхимга тегишли бўлган ноқонуний равишда қурилган 80х50 кв.метр пойдеворни жавобгар хисобидан буздириш тўғрисидаги ижро хужжати келиб тушганлиги, ушбу ҳолат юзасидан ижро иши қўзғатилиб, томонларга ижро хужжатини талабини ихтиёрий бажариш учун 15 кунлик муддат берилганлиги, ушбу берилган муддатга қарамасдан қарздор Р.Маматов томонидан ноқонуний қурилган пойдевор бузилмасдан келганлиги сабабли, бир неча маротаба мазкур ноқонуний қурилган пойдеворни буздириш учун борилганида, қарздор Р.Маматов 2019 йилда Россия Федерациясига ишлаш мақсадида чиқиб кетганлиги сабабли, унинг яқин қариндошлари томонидан қаршилик кўрсатилиб келинганлиги, 2022 йил 10 октябрь куни соат 09:00ларда ноқонуний қурилган 80х50 кв.м пойдеворни буздириш мақсадида мажбурий ижро ҳаракатларини олиб бориш учун борилганида, қарздор Р.Маматовнинг яқин қариндошлари тўпланишиб, яна мажбурий ижро ҳаракатларини олиб боришга фаол қаршилик кўрсата бошлаганлиги, Р.Маматовани опаси Маматова Нодира уларни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ходимларга фаол қаршилик кўрсатиб, жамоат тартибини сақлашга ҳаракат қилаётган туман ИИБ пробация ходими А.Суяровни қўлидан тишлаб олганлигини, ижрони аламга ошириш учун борган барча ходимларни ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлигини баён қилиб, судланувчи Н.Маматова аёл киши бўлганлиги сабабли унга



нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Суяров Асрор Юнусовичнинг, Самарқанд шаҳар ИИБ Пробаця бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишлашлиги, муқаддам Ургут туман ИИБ Пробаця бўлинмаси бошлиғи вазифасида ишлаганлиги, 2022 йил 08 октябрь куни Ургут туман Мажбурий ижро бюроси томонидан Ургут туман ИИБга талабнома юборганлиги, мазкур талабномага асосан Ургут туман “Мўғол” маҳалласида жойлашган қарздор Маматов Рамил Облабердиевич томонидан ушбу маҳаллада яшовчи ундирувчи фуқаро Облобердиев Иброхимга тегишли бўлган ер майдонини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 80x50 кв.метр майдонда қурилган пойдевор жавобгар ҳисобидан буздириш юзасидан туман ИИБ ходимларидан юборилишини, яъни жамоат тартибини сақлаб мақсадида ИИБ ходимларини жалб қилиниши сўралганлиги, мазкур талабномага юзасидан жорий йилнинг 10 октябрь куни соат 06:00да ижро амалга оширилиши кўрсатилганлиги, шунинг учун 10 октябрь куни соат 09:00лар атрофида у бошчилигида 3 нафар ходимлари, яъни Алқоров Наврўз, Комилжонов Нурзод, Махмудов Авазлар ва туман ИИБ 3-сон ИИБ бошлиғи билан 3-сон ИИБнинг барча ходимлари ва туман ИИБдан бир неча нафар ходимлар боришганлиги, ижро ишини амалга ошириш мақсадида туман Мажбурий ижро бўлимнинг бир неча нафар ходимлари, бир неча нафар Миллий гвардия ходимлари, 2 та тез ёрдам гуруҳи, кадастр ходимлари, туман ҳокимлигининг тегишли масъул ходимлари, Ургут туман “Мўғол” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари жалб қилинганлиги, ўша вақтда ижро ҳаракатлари ўтказилаётган вақтда қарздор Маматов Рамилнинг ўзи ва турмуш ўртоғи ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатига чиқиб кетганлиги боис, уни оила аъзолари, яъни барча опа-сингиллари, поччаси, келинлари, ака-укалари ижрони амалга оширишга тўсқинлик қилиш мақсадида уларни олдига чиқиб келишганлиги, шунда маҳалла профилактика инспектори уларни барчасини агарда ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилган тақдирида қонун талабларига асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирганлиги, шу тариқа ижро ҳаракатлари бошланиб, Мажбурий ижро ходимлари ноқонуний қурилган объектни деворини техника ёрдамида бузишни бошлаган вақтда қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари, огоҳлантирилишига қармасдан қўлларига тош олиб, ижрони амалга ошираётган барча ходимларга қарата ва деворни бузаётган экскаваторга қарата тош ота бошлаганлиги, уларни барчаси қўлларига тош олиб, ходимларга қараб, уларни ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, яъни “ифлослар, порахўрлар, пули борни ишини ҳал қилади, ифлослар, харомилар” деб ҳақорат қилиб ходимларга қарата тош отишганлиги, у кейин билишича улардан фуқаро Маматова Нодира ва бошқалари ходимларни ҳақорат қилганлигини, бундан ташқари ўша вақтда бир нафар Миллий гвардия ходими устига фуқаро Маматова Нодира солярка ҳисини қуйиб юборганлиги, уларни барчаси бутун ИИБ ходимларига



фаол қаршилик қилиб, ўзларини экскаватор остига ташлаб, ерга ётиб олиб, ходимларга фаол куч ишлатиб қаршилик қилишганлиги, ўз хизмат бурчини бажариб, жамоат тартибини сақлашга ҳаракат қилаётган туман ИИБ ЖТСГ ходими Ф.Мардиевни 2 нафар аёл киши ушлаб олиб, уни хизмат кийимидан тортаётган вақтида у уларни олдига бориб, Ф.Мардиевни ажратиб олмоқчи бўлганида Н.Маматова уни ўнг қўлини билак қисмидан тишлаб олганлиги ва уни “сен хароми, ифлос, боланг ўлсин” деб ҳар хил ножўя сўзлар билан ҳақорат қилганлиги, ижро ҳаракатларини амалга оширишга Р.Маматовнинг қариндошлари орасидан асосан Н.Маматова фаол қаршилик кўрсатиб, ижро ҳаракатини амалга ошириш учун келган барча ходимларни ҳақорат қилиб, ижро ҳаракатни амалга оширишга тўсқинлик қилганлиги ҳамда унга тан жароҳати етказганлигини баён қилиб, судланувчи Н.Маматова аёл киши бўлганлиги сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Урунов Абдурафиқ Ҳожиевичнинг, Ургут туман ИИБ 3-сон ИИБда профилактика инспектори бўлиб ишлашлиги, 2022 йил 08 октябрь куни Ургут туман Мажбурий ижро бюроси томонидан Ургут туман ИИБга талабнома юборганлиги, мазкур талабномага асосан Ургут туман “Мўғол” маҳалласида жойлашган қарздор Маматов Рамил Облабердиевич томонидан ушбу маҳаллада яшовчи ундирувчи фуқаро Облобердиев Иброхимга тегишли бўлган ер майдонини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 80x50 кв.метр майдонда қурилган пойдевор жавобгар ҳисобидан буздириш юзасидан туман ИИБ ходимларидан юборилишини, яъни жамоат тартибини сақлаб мақсадида ИИБ ходимларини жалб қилиниши сўралганлиги, мазкур талабномага юзасидан жорий йилнинг 10 октябрь куни соат 06:00да ижро амалга оширилиши кўрсатилганлиги, 2022 йил 10 октябрь куни соат 09:00лар атрофида ушбу ижро ҳужжати юзасидан тадбирга туман ИИБдан бир неча нафар ходимлар боришганлиги, ижро ишини амалга ошириш мақсадида туман Мажбурий ижро бўлимининг бир неча нафар ходимлари, бир неча нафар Миллий гвардия ходимлари, 2 та тез ёрдам гуруҳи, кадастр ходимлари, туман ҳокимлигининг тегишли масъул ходимлари, Ургут туман “Мўғол” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари жалб қилинганлиги, ижро ҳаракатлари ўтказилаётган вақтида қарздор Маматов Рамилнинг ўзи ва турмуш ўртоғи ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатига чиқиб кетганлиги боис, уни оила аъзолари, яъни барча опа-сингиллари, поччаси, келинлари, ака-укалари ижрони амалга оширишга тўсқинлик қилишни бошлашганлиги, маҳалла профилактика инспектори уларни барчасини агарда ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилган тақдирида қонун талабларига асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирганлиги, Мажбурий ижро ходимлари ноқонуний қурилган объектни деворини техника ёрдамида бузишни бошлаган вақтида қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари, огоҳлантирилишига қарамасдан қўлларига тош олиб, ижрони амалга ошираётган барча ходимларга қарата



ва деворни бузаётган экскаваторга қарата тош отишганлиги. Р.Маматовнинг яқин қариндоши Н.Маматова барча ходимларни, жумладан уни ҳам ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ижро ҳаракани амалга оширишга қаршилик кўрсатиб, жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган ходим А.Суяровнинг қўлидан ташлаб, унга тан жароҳати етказганлигини баён қилиб, судланувчи Н.Маматова аёл киши бўлганлиги сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Эргашев Зайниддин Давроновичнинг, Ургут туман ИИБ ЖХХ ҲПБ ВЕМБ инспектор-3-сон ИИБда профилактика инспектор-психолог бўлиб ишлашлиги, 2022 йил 08 октябрь куни Ургут туман Мажбурий ижро бюроси томонидан Ургут туман ИИБга талабнома юборганлиги, мазкур талабномага асосан Ургут туман “Мўғол” маҳалласида жойлашган қарздор Маматов Рамил Облабердиевич томонидан ушбу маҳаллада яшовчи ундирувчи фуқаро Облобердиев Иброхимга тегишли бўлган ер майдонини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 80x50 кв.метр майдонда қурилган пойдевор жавобгар ҳисобидан буздириш юзасидан туман ИИБ ходимларидан юборилишини, яъни жамоат тартибини сақлаб мақсадида ИИБ ходимларини жалб қилиниши сўралганлиги, мазкур талабномага юзасидан жорий йилнинг 10 октябрь куни соат 06:00да ижро амалга оширилиши кўрсатилганлиги, 2022 йил 10 октябрь куни соат 09:00лар атрофида ушбу ижро ҳужжати юзасидан тадбирга туман ИИБдан бир неча нафар ходимлар боришганлиги, ижро ишини амалга ошириш мақсадида туман Мажбурий ижро бўлимнинг бир неча нафар ходимлари, бир неча нафар Миллий гвардия ходимлари, 2 та тез ёрдам гуруҳи, кадастр ходимлари, туман ҳокимлигининг тегишли масъул ходимлари, Ургут туман “Мўғол” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари жалб қилинганлиги, ижро ҳаракатлари ўтказилаётган вақтида қарздор Маматов Рамилнинг ўзи ва турмуш ўртоғи ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатига чиқиб кетганлиги боис, уни оила аъзолари, яъни барча опа-сингиллари, поччаси, келинлари, ака-укалари ижрони амалга оширишга тўсқинлик қилишни бошлашганлиги, маҳалла профилактика инспектори уларни барчасини агарда ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилган тақдирида қонун талабларига асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирганлиги, Мажбурий ижро ходимлари ноқонуний қурилган объектни деворини техника ёрдамида бузишни бошлаган вақтида қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари, огоҳлантирилишига қарамасдан қўлларига тош олиб, ижрони амалга ошираётган барча ходимларга қарата ва деворни бузаётган экскаваторга қарата тош отишганлиги. Р.Маматовнинг яқин қариндоши Н.Маматова барча ходимларни, жумладан уни ҳам ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ижро ҳаракани амалга оширишга қаршилик кўрсатиб, жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган ходим А.Суяровнинг қўлидан ташлаб, унга тан жароҳати етказганлигини баён қилиб, судланувчи Н.Маматова аёл киши анлиги сабабли унга нисбатан даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатуви



билан;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Абдухалимов Акбар Абдуқахоровичнинг, Ургут туман ИИБ ЭКГ катта эксперти бўлиб ишлашлиги, 2022 йил 08 октябрь куни Ургут туман Мажбурий ижро бюроси томонидан Ургут туман ИИБга талабнома юборганлиги, мазкур талабномага асосан Ургут туман “Мўғол” маҳалласида жойлашган қарздор Маматов Рамил Облабердиевич томонидан ушбу маҳаллада яшовчи ундирувчи фуқаро Облобердиев Иброхимга тегишли бўлган ер майдонини ўзбошимчалик билан ноқонуний равишда 80x50 кв.метр майдонда қурилган пойдевор жавобгар ҳисобидан буздириш юзасидан туман ИИБ ходимларидан юборилишини, яъни жамоат тартибини сақлаб мақсадида ИИБ ходимларини жалб қилиниши сўралганлиги, мазкур талабномага юзасидан жорий йилнинг 10 октябрь куни соат 06:00да ижро амалга оширилиши кўрсатилганлиги, 2022 йил 10 октябрь куни соат 09:00лар атрофида ушбу ижро ҳужжати юзасидан тадбирга туман ИИБдан бир неча нафар ходимлар боришганлиги, унинг асосий вазифаси жиро жараёнини видео тасвирга олиш бўлганлиги, ижро ишини амалга ошириш мақсадида туман Мажбурий ижро бўлимнинг бир неча нафар ходимлари, бир неча нафар Миллий гвардия ходимлари, 2 та тез ёрдам гуруҳи, кадастр ходимлари, туман ҳокимлигининг тегишли масъул ходимлари, Ургут туман “Мўғол” маҳалла фуқаролар йиғини ходимлари жалб қилинганлиги, ижро ҳаракатлари ўтказилаётган вақтида қарздор Маматов Рамилнинг ўзи ва турмуш ўртоғи ишлаб пул топиш мақсадида чет давлатига чиқиб кетганлиги боис, уни оила аъзолари, яъни барча опа-сингиллари, поччаси, келинлари, ака-укалари ижрони амалга оширишга тўсқинлик қилишни бошлашганлиги, маҳалла профилактика инспектори уларни барчасини агарда ижро ҳаракатларига тўсқинлик қилган тақдирида қонун талабларига асосан жавобгарликка тортилиши тўғрисида огоҳлантирганлиги, Мажбурий ижро ходимлари ноқонуний қурилган объектни деворини техника ёрдамида бузишни бошлаган вақтида қарздор Р.Маматовни барча яқин қариндошлари, огоҳлантирилишига қарамасдан қўлларига тош олиб, ижрони амалга ошираётган барча ходимларга қарата ва деворни бузаётган экскаваторга қарата тош отишганлиги. Р.Маматовнинг яқин қариндоши Н.Маматова барча ходимларни, жумладан уни ҳам ножўя сўзлар билан ҳақорат қилиб, ижро ҳаракани амалга оширишга қаршилик кўрсатиб, жамоат тартибини сақлашга жалб қилинган ходим А.Суяровнинг қўлидан ташлаб, унга тан жароҳати етказганлигини, барча ҳолатларни видео тасвирга олганлиги ҳақидаги кўрсатуви билан;

Бундан ташқари, судланувчи Н.Маматовнинг айби дастлабки тергов ҳужжатлари билан, яъни, МИБ Ургут туман бўлимнинг талабномалари, ижро варақа нусхаси, далолатномалар, билдиргилар, тушунтириш хатлари, судга оид тиббий экспертизанинг 3028-сонли хулосаси, тақдим қилинган нарсани олиб қўйиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва унга илова қилинган



фотожадвал, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши хужжатларига қўшиб қўйиш тўғрисидаги қарор, юзлаштириш баённомалари, жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа бир қатор объектив далиллар билан ҳам тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги «Суд ҳукми тўғрисида»ги 7-сонли Қарорининг 5-бандида «Судларнинг эътибори, ЖПКнинг 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратилсин. Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак. Суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкин» деб кўрсатилган бўлиб, суд ушбу Пленум қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, судланувчи Н.Маматованинг содир қилган жиноятига суд жараёнида текширилиб, аниқланган ҳолатларга кўра баҳо беришни лозим топади.

Суд, судланувчи Н.Маматованинг ҳақорат қилиш, яъни жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати шахснинг шаъни қадр-қимматини беодоблик билан қасдан таҳқирлаш ҳамда хизмат вазифасини бажараётган ҳокимият вакилининг қонуний фаолиятига фаол қаршилик кўрсатишликда ифодаланган жиноий хатти-ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Маматова Нодира Облобердиевнанинг жиноят содир этишдаги ҳолатини муҳокама қилиб, унинг муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини ва қилмишидан пушаймонлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмас деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Маматова Нодира Облобердиевнага жазо тайинлашда унинг содир этган жиноятининг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан биргаликда, унинг муқаддам судланмаганлигини, шахсини, аёл киши эканлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги 1-сонли Қарорининг 26-бандидаги «Озодликдан маҳрум қилиш жазо қасида оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, шунингдек



судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса, қўлланилади” деган;

-мазкур Пленум Қарорининг 4-бандида “Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тавсифловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан, айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга – судланганлиги, оиладаги, жамиятдаги хулқ-атвори, машғулот, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳ.к. лар киради” деган ҳамда 5-бандида “Судлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари керак” деган раҳбарий тушунтиришларга риоя қилган ҳолда, қонунийлик, одиллик, инсонпарварлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига асосланиб, Н.Маматованинг муқаддам судланмаганлигини, аёл киши эканлигини, қарамоғида ногирон турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандлари борлигини, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар сифатида баҳолаб, унга айбли деб топилган Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 1-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, ЖКнинг 59-моддаси 1-қисмига асосан тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли орқали озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, тайинланган жазони ўташдан бўйин товланишини олдини олиш, жазони ўз вақтида ўташликни таъминлаш мақсадида белгиланган муддат ичида ҳар куни муайян муддатга яшаш манзилдан чиқишини чеклаш ҳамда маъмурий ҳудуд ҳисобланган Самарқанд вилояти ҳудудидан чиқиб кетишини тақиқлашни, қўлланилган эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона “ДВД” дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни ҳамда ҳукмнинг қарор қисмида такрор кўрсатиб ўтмасликни лозим топади.

Бинобарин суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 454-455, 457, 460, 463, 465-468, 471-473, 475-моддаларини қўллаб, -

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Маматова Нодира Облобердиевна (Mamatova Nodira Obloberdievna), Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди ва 219-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Маматова Нодира Облобердиевнага Ўзбекистон Республикаси



ЖКнинг 140-моддаси 3-қисми «а» банди билан 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Маматова Нодира Облобердиевнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 219-моддаси 1-қисми билан 1 (икки) йилу 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 59-моддасининг 1-қисмига асосан тайинланган жазоларнинг енгилроғини оғирроғи билан қоплаш йўли орқали узил-кесил ўташлик учун 1 (бир) йилу 6 (олти) ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Маматова Нодира Облобердиевнага яшаш жойи ҳисобланган Тойлоқ тумани, “Галаботир” маҳалласида жойлашган яшаш уйдан кечқурун соат 22⁰⁰дан эрталаб соат 06⁰⁰га қадар чиқиши чеклансин.

Маматова Нодира Облобердиевнага озодликни чеклаш даврида қуйидаги қўшимча чекловлар ўрнатилсин:

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик,
- Самарқанд вилоят ҳудуддан ташқарига чиқмасликдан иборат қўшимча чекловлар ўрнатилсин.

Жазо ижросини назорат қилиш судланувчи Маматова Нодира Облобердиевна яшаш ҳудуди бўйича Тойлоқ туман ИИБ Пробация бўлинмаси бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазо муддати маҳкум жазоларни ижро этиш пробациясида ҳисобга қўйилган кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Маматова Нодира Облобердиевнага нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ва ишда тараф бўлмаган шахслар ҳам суд ҳукмининг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор қисми устидан ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция судлов ҳайъатига шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши, билгиланган муддат ўтганидан сўнг берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилиши тушунтирилсин.

Раислик қилувчи судья:

Г.Негматов

